



Хар бир оят инсон учун улкан тарбия ва ахлоқ манбаи саналади. Уларнинг хар бири инсонни комиллик сари етаклайди. Куйидаги қирқ оят инсонга бу борада гўзал ўғитлар беради.

Оли Имрон сурасининг 103-ояти:

«Хаммангиз Аллохнинг «аркони» (Куръони)ни маҳкам тутинг ва фиркаларга бўлинманг ҳамда ўзаро садокатда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллохнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъматини туфайли биродарларга айландингиз. Дўзах чоҳи ёқасида турганингизда, сизларни ундан қутқарди, шояд, ҳақ йўлни топгайсизлар, деб, Аллох Ўз оятларини сизларга шундай баён қилади». Оятда келган аркон, асли Куръон бўлиб, уни ўзига дастурул амал қилиб олган банд ҳақ йўлни топиб, саодатга эришиши баён қилинмоқда. Барча мусулмонлар Куръон воситасида бирлашиб, баҳамжихат бўладилар ва асло фиркаларга бўлинмайдилар. Бу мусулмонларнинг биринчи вазифасидир.

Анфол сурасининг 46-ояти:

«Аллоҳга ва Расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс холда сутлашиб кетурсиз ва «шамолнингиз» (обрўйнингиз) кетиб қолур. Сабр қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».

Наҳл сурасининг 90-ояти:

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузукчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур».

Исро сурасининг 23-ояти:

«Роббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки хар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жерқима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!»

Зуҳо сурасининг 9-10-оятлари:

«Бас, энди Сиз (хам) етимга қаҳр қилманг! Соил (гадо)ни эса (малол олиб) жерқиманг!»
Ушбу оят билан етимлар хусусида бағрикенг бўлишимиз ва эшигимиз тағига келган гадоларни ҳам ёмон сўзлар билан ҳайдамаслигимиз лозимлиги уқтирилган.

Нур сурасининг 22-ояти:

«Сизлардан фазилат ва кенг мол-мулк эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизми?! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир».

Бу оятда инсонни кечиримли бўлиши уқтирилади. Банда кечиримли бўлса, Аллоҳ ҳам унга нисбатан кечиримли бўлиб, уни мағфират этади.

Фуссилат сурасининг 33-ояти:

«Аллоҳ (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солих амал қилиб, «Мен мусулмонлардан дирман», – деган кишидан кўра қим қиройлироқ сўзловчидир?!»
Бу оят Аллоҳга ишонган, Унга дуо қиладиган, Куръони Қаримда билдирилган солих амалларни бажарадиган, мусулмонликдан ифтихор туядиган банданинг Аллоҳ наздида қанчалар юксак қадрланишига ишора қилди.

Аъроф сурасининг 199-ояти:

«Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жохиллардан эса юз ўғиринг!»
Инсон кечиримли бўлиш билан яхшилик сари юз тутуди, жохиллардан узок бўлиш билан ёмонликлардан ўзини сақлаган ҳисобланади.

Нисо сурасининг 86-ояти:

«Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан қиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи Зотдир».

Нисо сурасининг 1-ояти:

«Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Хавво)ни яратган ҳамда иккисидан қўн эрқак ва аёлларни таратган Роббингиздан қўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада ном қелтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни қузатиб турувчидир».
Аслида, оятда таъқидланганидек, инсонлар бир-бирларига бегона эмас. Шундай экан, душманликка на ҳожат ва айниқса, қариндошлар ўртасидаги боғлар мустаҳкамроқ бўлиши лозим. Бунинг учун эса улар ўртасида ўзаро севги ва ҳурмат туйғулари бўлиши лозим.

Моид сурасининг 2-ояти:

«Эй, иймон қелтирганлар! Аллоҳнинг (ҳажга доир) шиорларини, «Ҳаром ой» (ҳаж ойлари)ни, қурбонликларни, (уларга тақиб қўйилган) тақинчокларни, Парвардигорларининг фазли ва розилигини топиш нияти билан Байтул-Ҳаром (Қаъба)га борувчиларни (уларга қаршилик қилишни) ҳалол деб ҳисобламангиз! Ҳалол (қилинган ҳолат)га чиққанларингизда эса ов қилаверингиз. Сизларни Масжидул-Ҳаромдан тўсувчи

қавмининг адовати тажовуз қилишингизга ундамасин! Эзгулик ва такво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир».

Қўришиб турганидек, яхши ва эзгу амалларда ўзаро қўмаклашиш тавсия этилган бўлиб, гуноҳ ва зарарли ишларда бир кишининг бошқасига ёрдамлашиши тақиқланган.

Бақара сурасининг 267-ояти:

«Эй, иймон келтирганлар! Ўз қўл меҳнатингиз ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз! Ўзингиз фақат қўзингизни чирт юмибгина оладиган даражадаги ёмон нарсаларни (эҳсон қилишга) танламангиз! Шунингдек, билингизки, албатта, Аллоҳ ганий ва мактовга лойиқ Зотдир».

Бу оятда ҳалол ишлаб топилган даромаддан ва яхши нарсалардан бошқаларга бериш айтилган бўлиб, ёмон ва ҳалол бўлмаган нарсаларни эҳсон қилмаслик таъқиқланган.

Оли Имрон сурасининг 134-ояти:

«Улар (мазкур такводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, газабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар».

Ҳақиқий такводор қишилар мўл-қўлликда бўлган пайтларида ҳам танг аҳволда бўлган пайтларида ҳам яхшилик қилишни қанда қилмайдилар.

Исро сурасининг 34-ояти.

«Етимнинг молига, то у вояга етгунича, яқинлашмангиз, илло чиройли йўсинда бўлса, майли. Аҳдга вафо қилингиз! Зеро, аҳд-паймон (киёмат куни) сўраладиган ишдир».

Етимнинг моли омонатдир, унга хомийлик қилаётган киши мана шу омонатга хиёнат қилмасликка аҳд қилади. Инсон бу аҳдига содиқ бўлиши лозим. Албатта, бу киёмат кунида сўралажакдир.

Нисо сурасининг 58-ояти:

«Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва қўрувчи Зотдир».

Омонатга хиёнат қилмаслик ҳақида Куръони Қаримда алоҳида ургу берилади.

Нисо сурасининг 114-ояти:

«Уларнинг қўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир.

Қимда-қим Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан муқофот беражакмиз».

Ушбу оятда мунофиқларнинг ўзаро шивирлашиб яширинча гаплашишларида хайр йўқлиги, бироқ одамлар ўртасини ислоҳ қилиш учун бўлса, яхшиликка эканлиги уқтирилади.

Бақара сурасининг 148-ояти:

«Ҳар бир (диндор) учун ўзи юзланадиган тарафи (қибласи) бор. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетдингиз! Қаерда бўлмангиз, Аллоҳ ҳаммангизни (маҳшаргоҳга) келтиражак. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир».

Бу оятда эса мусулмонларнинг доимо эзгу ишларда бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қилишлари айтилади.

Оли Имрон сурасининг 133-ояти:

«Роббингиздан (бўлувчи) магфиратга ва кенглиги осмонлару Ерда тенг, такводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз». Аллохнинг магфирати жуда кенг, бироқ мўмин банда мана шу магфиратга эришиш учун солиҳ амал қилишни кечиктирмаслиги, эзгулик учун шошилишлари лозим.

Раъд сурасининг 24-ояти:

«(Аллох йўлида турли машаккатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!» Инсоннинг бу дунёга келтирилишдан асосий максад Парвардигорининг розилигини қозонишдир. Аллох бандаларини синаш учун унга турли синовлар юборади. Ана шу йўлда сабр қилганлар эса яхши оқибатга – жаннатга ноил бўладилар

Нисо сурасининг 36-ояти:

«Аллохга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилингиз)! Албатта, Аллох қибрли ва мактанчок қишиларни севмайди».

Факат ва факат Аллохга ибодат қилинади, Ундан бошқасига ибодат қилиш эса ширқдир, Аллох бундай бандаларни севмайди.

Анъом сурасининг 120-ояти:

«Гуноҳнинг ошқорасини ҳам, махфийсини ҳам тарқ этингиз! Албатта, гуноҳ қилганлар қилмишлари туфайли жазоланурлар».

Аллох, шубҳасиз, бандаларини қўриб тургувчидир. Шу боис ҳоҳ ошқора бўлсин, ҳоҳ яширин гуноҳ қилишни тарқ этиш лозим.

Анъом сурасининг 151-ояти:

«Айтинг: «Келингиз, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: Унга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни қашшоқликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз – биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирармиз – фахш ишларнинг ошқорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз, Аллох тақиклаган (жон)ни ноҳақ қатл қилмангиз! Ақл юритишингиз учун (Аллохнинг) ҳукм қилгани шу(лар)дир».

Аъроф сурасининг 56-ояти:

«Ерни (Аллох хайрли ишларга) яроқли қилиб қўйгандан кейин (унда) бузгунчилик қилмангиз! Унга (Аллохга) ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз! Аллохнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир».

Моид сурасининг 32-ояти:

«Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукми битиб қўйдик: «Бирор

жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузгунчилик ва карокчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган қабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган қабидир». Уларга расулларимиз (илохий) ҳужжатларни келтирганлар. Сўнгра уларнинг қўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир».

Исро сурасининг 32-ояти:

«Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фахш ва ёмон йўлдир».

Моида сурасининг 28-ояти:

«Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингиз ва ўзларингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқингиз».

Ҳар бир банда ҳаромдан узок бўлиши, факат ҳалол ризқдан ризқланиши ва оиласига ҳам ҳалол лўқма едириши лўзим. Ҳаромдан тийилмаган банда охир оқибат бунинг ёмон оқибатини қўради. Зеро, Аллоҳ бундай ҳаракат учун Ўзидан қўрқиниши таъқидламоқда.

Моида сурасининг 90-ояти:

«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимлик), қимор, бут-санамлар ва (фол оқадиган) қўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд, (шунда) нажот топсангиз».

Бақара сурасининг 275-ояти:

«Судхўрлар (қиймат қуни қабрларидан) жин қалиб кетган одам қабии (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби уларнинг: «Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи» деган гаплари (ақийдалари)дир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, қим Роббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у холда аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Қим яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах ақлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир».

Моида сурасининг 3-ояти:

«Ўлимтик, қон, қўчка гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб қўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йирткич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди, илло (шаръан) қўйганингиз (ҳалолдир). Яна бут-санамларга атаб қўйилган ҳайвонлар (гўшти) ва фол қўпларидан қисматингизни иштаингиз (ҳам ҳаром қилинди). Бу ишингиз фосикликдир. Бугунга қелиб, энди қофирлар динингиз (мағлубияти)дан ноумид бўлдилар. Шунинг учун улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз! Ана, энди бугун, динингизни қамолга етқаздим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим. Қимқи, гуноҳга мойиллигидан эмас, балқи оқарчилиқда (мазқур ман этилган нарсалардан ейишга) мажбур бўлса, албатта, Аллоҳ қечиримли ва рақмлидир».

Исро сурасининг 37-ояти:

«Ер юзида қибрланиб юрма! Чунқи сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан».

Қибру ҳаво энг ёмон ҳулқлардан бири бўлиб, у инсонга фойдадан қўра зарар етқазади. Ҳен қим қибрли инсонни ҳурмат қилмайди, ундан узок бўлишга интилади.

Хужурот сурасининг 11-ояти:

«Эй, мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошка) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошка) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимолки, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Иймондан кейин фосиклик номи нақадар ёмондир! Қимқи тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир».

Хужурот сурасининг 12-ояти:

«Эй, мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни гийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан кўркингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли Зотдир».

Исро сурасининг 36-ояти:

«(Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки кулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)». Ҳар қим билган нарсасини, ишини қилиши лозим, билмаган ишига эса аралашиб ўзига зиён қилмаслиги керак.

Исро сурасининг 23-24-оятлари:

«Роббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишигизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жерқима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Роббим! Мени (улар) гўдақлик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин». Куръондаги энг муҳим хусуслардан бири фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ниҳоятда катта эканлигини билдиришдан иборат. Бизни дунёга келтириб вояга етказган ота-онамизни ҳар доим эъзозлаб, азизлаб қафтимизда кўтариб юришимиз лозим.

Исро сурасининг 26-ояти:

«Қариндошга, мискинга ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!»

Нисо сурасининг 59-ояти:

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайгамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! Борди-ю бирор нарсада (дин ишида) қелиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охира қунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва Пайгамбарига ҳавола қилингиз. Мана шу яхшироқ ва ечими қиройлироқ (иш)дир». Ўзимиздан қатталарга итоат этишимиз, уларнинг айтганларини бажаришимиз лозим. Бу ишнинг мақбул иш экани Куръонда алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Анфол сурасининг 27-ояти:

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга (буйруқларига) ҳиёнат қилмангиз ва

(бир-бирингизга қўйган) омонатларингизга (хам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!»
Омонатларга хиёнат қилмаслик мўминнинг асосий хусусиятларидан биридир. Аллоҳ ва
Пайгамбарнинг омонати эса омонатларнинг энг буюгидир.

Қалам сурасининг 4-ояти:

«Албатта, Сиз буюқ ҳуққ узрадирсиз!»

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи васаллам): «Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш
учун юборилганман», деганлар. Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг биринчи даражадаги
қомил инсон эканлигига шубҳа йўқдир.

Юқоридаги оятлар инсоннинг гўзал ҳаёт қуриши ва солиҳ банда бўлиши учун Қуръони
Қаримда қўрсатилган муҳим хусуслар бўлиб, уларни ўзида жамлаган ҳар бир банда
Аллоҳнинг розилигига эришиб, муқофотга (жаннатга) ноил бўлади.